Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Ishonch

2023-yil
17-yanvar
seshanba
№ 8 (4760)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991 yil 21 martdan chiqa boshlagan

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИДАГИ МУАММОЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 январь куни аҳолини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнгги кунларда юртимизга совуқ ҳаво оқими кириб келди. Энергия ва иссиқлик таъминотида узилишлар кузатилди. Давлатимиз раҳбари бу масалага чуқур тўхталиб, тезкор чоралар кўрилишини таъкидлади.

– Мен совуқдан қийналаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг ҳолатини чуқур ташвиш ва изтироб билан юрагимдан ўтказаяпман, – деди Шавкат Мирзиёев. – Буни ҳар бир раҳбар ҳис қилиши керак. Бу йилги совуқ бутун тизимнинг аҳволини, қишга тайёргарлик енгил-елпи бўлганини кўрсатди. Энди бундай давом этиши мумкин эмас. Юзага келган вазиятни ўнглаш учун тезкор чоралар кўрамиз.

Йиғилишда табиий газ ва электр таъминоти, коммунал соҳадаги муаммолар танқидий таҳлил қилинди.

Масалан, Тошкент шаҳрида ўнлаб маҳаллаларда электр ва газ таъминотида узилишлар бўлган. Айрим трансформатор ва паст кучланишли тармоқлар ортиқча юкламага бардош беролмай ишдан чиққан.

Бунинг сабаби қурилишга рухсат берилганда, мавжуд инфратузилмага юклама бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилинмаган. Пойтахтнинг Бош режаси ҳалигача тасдиқланмаган. Рухсатсиз қурилган объектлар сони 250 дан ошиб кетган.

Шу боис, вазиятга олдиндан баҳо бериб, қиш мавсумига лозим даражада тайёргарлик кўрмагани учун Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Ортиқхўжаев лавозимидан озод этилди.

Тошкент вилояти ҳокими З.Мирзаев қатъий огоҳлантирилди, шунингдек, республикадаги бир қатор туман ва шаҳар ҳокимларига ҳайфсан берилди.

Талимаржон иссиқлик станциясининг энергия блокини таъмирлаш ва электр энергияси ишлаб чиқаришни таъминламагани учун энергетика вазири ўринбосари Ш.Ходжаев ва «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти раҳбари Ф.Абдураҳмонов вазифасидан озод қилинди. Шунингдек, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекнефтгаз» ва «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари раҳбарларига интизомий жазо ва синов муддати белгиланди.

Электр ва газ тармоқларида талон-торожлик кўплиги кўрсатиб ўтилди. Охирги ойларнинг ўзида нефтгаз ва энергия назорати тизимларида 192 та коррупция ҳолатлари аниқланган. Давлат хавфсизлик хизмати ва Бош прокуратурага бу соҳалардаги коррупцияни йўқ қилиш, автомобилга газ қуйиш шохобчаларидаги ўғриликларга чек қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда электр ва газ тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича тезкор чора-тадбирлар белгиланди.

Бош вазир ва энергетика вазирига барча имкониятларни ишга солиб, мавжуд ресурсларни адолатли тақсимлаб, муаммоли маҳаллаларга зудлик билан энергия етказиб бериш вазифаси қўйилди. Хориждан малакали мутахассисларни жалб қилиб, бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодиёт ва молия вазирига энергетика соҳаси корхоналарида ҳисоб-китобларни тартибга солиш ва молиявий масалаларни ҳал қилиш бўйича топшириқ берилди.

Энергия таъминотидаги узилишларнинг сабаблари ва кўрилаётган чораларни халқимизга ўз вақтида тушунтириб бориш керак. «Саховат ва кўмак» жамғармасидан ёлғиз қариялар, кўп фарзандли эҳтиёжманд оилаларга ёрдам берилади, оғир ҳолларда улар иситилган жойларга кўчирилади.

Деҳқон бозорларида шароитларни яхшилаб, маҳсулотлар безарар сақланиши ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳам муҳимлиги таъкидланди.

Энергетика корхоналари раҳбарлари ва ҳокимларга келгусида бундай вазиятга йўл қўймаслик учун ҳозирдан аниқ чораларни белгилаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда энергетика вазири ва ҳокимлар жойларда кучайтирилган тартибда олиб борилаётган ишлар юзасидан ахборот берди.

ЎзА

Бухоро вилояти

Ҳуқуқ

Ноқонуний жазо БЕКОР ҚИЛИНДИ

Дилфуза Саидова бир нафар фарзандининг онаси. Ўн беш йилдан бери «Бухоро халқаро аэропорти» МЧЖда ишлаб, ёлғиз ўзи рўзғор тебратиб келади.



Аммо туҳмат сабаб Дилфузанинг номига қора чапланди. Яхшиямки, ёлғонларнинг миси чиққач, жавобгарликдан озод қилинди. Аммо бу ишлар натижасида корхона маъмурияти томонидан унга интизомий жазо чораси қўлланилди ва лавозимини пасайтириш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Аввалига ўзининг «мажбурий-ихтиёрий» аризасига кўра, жамиятнинг қишлоқ хўжалиги бўлимига хизматчи бўлиб ўтди. Бир ойдан сўнг ўз ишига қайтишига ваъда берилди. Аммо бунинг ўрнига интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиниб, хайфсан эълон қилинди.

«Интизомий жазодан бехабар эдим, билганимда, бошқа ишга ўтишга умуман рози бўлмасдим, ахир улар мени мана шу тушунмовчилик ортидан келиб чиққан вазиятни деб икки марта қайта жазолашлари мумкинми?! Бунинг устига менга қўйилган айблов юзасидан суд томонидан жавобгарлик қўлланилмади», дейди у Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашига қилган мурожаатида.

Иш судга оширилди. Вилоят кенгаши масъули судда ходиманинг вакили сифатида иштирок этди. Суд муҳокамаси жараёнида ҳақиқатан ҳам Д.Саидовага нисбатан қўлланилган интизомий жазо чораси ғайриқонуний бўлиб чиқди. Бунинг устига иккинчи маротаба қўллаш учун киритилган тақдимномада келтирилган ножўя ҳаракатлар асосланмаганлиги аниқланди. Даъво қаноатлантирилиб, жазо чоралари бекор қилинди. Уни ўз лавозимига қайта тиклаш бўйича қарор чиқарилди. Мажбурий бекор юрган кунлари учун иш берувчидан 6 242 310 сўм, маънавий зарар учун 3 миллион сўм зарар пули ундириб берилди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Бошланғич ташкилотларда

Ходимларга ҳар доим ҳамдам

Чироқчи туманидаги 107-мактаб директори Шавкат Абдуваитов автоҳалокат сабаб даволанишга мажбур бўлди. Воқеадан хабар топган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Чироқчи тумани кенгаши раиси Абдураим Ҳайдаволов беморнинг ҳолидан хабар олди. Унинг муолажа ва дори-дармон харажатлари учун моддий ёрдам ажратилди.

Абдуваитов шифохонадан чиққач, саломатлигини янада мустаҳкамлаши учун унга «Қашқадарё соҳили» санаторийсига бепул йўлланма берилди. Албатта, бу имтиёзга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқ таълими вазирлигининг қўшма қарори асос вазифасини ўтади.

– Ўтган йилда кенгашимизга кўплаб оғзаки ва ёзма мурожаатлар бўлди, – дейди Абдураим Ҳайдаволов. – Эътиборли томони, 200 тадан зиёд мурожаат таълим ходимларининг фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация пулларини ундириш ҳақида эди. Аниқроғи, 256 нафар ходим шу ҳақда ариза ёзишган. Яъни, бу ҳолатга мактаб директори, директорнинг ўқув ишлари, маънавий ва маърифий ишлар, хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари, психолог, тарғиботчи, чақирув ёшгача тайёргарлик (ЧЁТ) раҳбари каби мутахассисларнинг ўз вақтида меҳнат таътилига чиқмагани асосий сабаб бўлган. Касаба уюшма аралашуви билан мурожаатчиларнинг аксариятига компенсация пуллари тўлаб берилди.

Ходимнинг меҳнат самарадорлиги ошиши унинг яхши ҳордиқ чиқаришига ҳам боғлиқ, албатта. Эътиборли жиҳати, ортда қолган йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими тизимидаги муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларни санаторийларда соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарори асосида 71 нафар мактаб директори, 9 нафар илғор ўқитувчи ва бир нафар байналмилал жангчи санаторийда бепул соғломлаштирилди. Бундан ташқари, 139 нафар ходимга ўзи ёки яқин қариндошлари учун имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

Ёз фаслида педагогларнинг 300 нафар фарзанди сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқарган бўлса, ички туризмни ривожлантириш мақсадида 100 нафар педагогнинг Самарқанд ва яна шунча ўқитувчининг Бухорои Шарифга саёҳати ташкил этилди.

Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида анъанавий спартакиада ўтказилиб, уларда бошланғич ташкилотлардан 2890 нафар ходим қатнашди. Аёллар спорт фестивалида эса 280 нафар хотин-қиз қизиқарли мусобақаларда ўз омадини синаб кўрди...

«Ёш китобхон» танлови таассуротлари ҳам бир олам. 125 нафар иқтидорли китобсевар ўқувчига туман халқ таълими бўлими ҳамда тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан диплом ҳамда китоблар жамланмалари топширилди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Андижон вилояти

Фаолиятга назар

Касаба уюшмалари фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши Ёшлар бирлашмаси томонидан мазкур йўналишда эътиборга молик ишлар олиб бориляпти.

Ижтимоий муҳофаза – МУҲИМ МАСАЛА

– Вилоятда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги 227 та бошланғич ташкилотга 31 минг нафардан зиёд аъзо бирлашган. Улардан 13 минг нафарга яқинини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади, – дейди вилоят кенгаши Ёшлар бирлашмаси раиси Сарварбек Козимов. – Ўтган йилда тармоқ ёшларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, бандлигини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, фуқаролар маънавиятини юксалтириш, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Тизимдаги вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 6 та ёш оилага жиҳозлар харид қилиш ва уй-жой қуриш учун имтиёзли ссудалар берилди, шунингдек, 422 нафар ёш оила вакилига моддий ёрдам кўрсатилди. Ана шу мақсадлар учун касаба уюшмалари ва иш берувчилар ҳисобидан 196 миллион 200 минг сўм маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларнинг 525 нафар фарзандига ўқув қуроллари харид қилиш ва дарсликлар ижара тўловини тўлаш учун 34 миллион 250 минг сўм, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 15 нафар талабага контракт тўловининг бир қисмини тўлаш учун 71 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 55 нафар болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди, шунингдек, икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 65 нафар ёш онага 23 миллион 100 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири



Азиз газетхонлар! Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб боряптими? Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» гуруҳига – t.me/ishonchmurojaat манзили орқали мурожаат қилинг. Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!

Келгуси сонларда ўқинг...

ЛАЙЛАК ЁЗДА КЕЛАДИМИ?

ИСРОФГАРЧИЛИКМИ ЁКИ ҲАДДИДАН ОШИШ?

ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР

БИЗНИ ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРДА КУЗАТИБ БОРИШИНГИЗ МУМКИН:

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi

https://t.me/ishonchgz

Тошкент шаҳри

Йиғилиш

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг раёсат йиғилиши видеоконференцалоқа тарзида ўтказилди.

Вазифалар белгилаб олинди

Унда ўтган йилда Давлат дастури доирасида бажарилган ишлар, нодавлат корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшма аъзолигига қабул қилиниши, фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатлари ижобий ҳал этилишига оид масалалар муҳокама қилинди.

Ходимларга моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги, дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш каби бир қатор мақсадли ва режали ишлар олиб борилаётгани айтиб ўтилди. Шунингдек тадбирда ходимларнинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш бўйича белгиланган вазифалар таҳлил қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Фарғона вилояти

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган «Аёллар дафтари» тизимининг тўртинчи босқичи Фарғона вилоятида қизғин давом этмоқда. Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича штаб аъзолари барча туман-шаҳарларда бўлиб, уйма-уй юрган ҳолатда ёрдамга муҳтож хотин-қизларни «Аёллар дафтари»нинг 4-босқич тоифаларига киритиш бўйича хатлов жараёнлари билан танишишмоқда.

Орзу-умидлар ижобат топмоқда

Хусусан, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари, Фарғона вилояти штаби раҳбари Абдуғаппор Салиҳов ҳамда Касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев туманларда бўлиб, юзага келган вазиятни ўрганмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ҳеч бир анкета «кабинетда» ўтириб тўлдирилаётгани йўқ. Масъуллар уйма-уй юриш орқали ҳар бир аёл билан бирма-бир мулоқот қилиб, уларнинг эҳтиёжи, қизиқишларидан келиб чиқиб, муайян хулосага келяптилар.

– Маҳалламизда 30 ёшдан ошган аёллар 530 нафарни ташкил этади, – дейди Бешариқ тумани «Бой» МФЙ хотин-қизлар фаоли Раҳимахон Шомуродова. – Ўрганиш жараёнида ҳеч бир опа-синглимизни четда қолдираётганимиз йўқ.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

САВОЛ: Шу кунларда «Док-1 Макс» ҳамда «Амбронол» дори воситалари атрофида бўлаётган гап-сўзлар юртдошларимизни ларзага солди. Болалар ўлимига сабабчи бўлган бу дори препаратлари ўз-ўзидан юртимизга кириб келмагандир. Умуман, дори воситаларини мамлакатга олиб кириш қайси меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади? Бу қай бир давлат органи ваколатига киради? Аслида қандай дори воситалари давлат рўйхатидан ўтказилади ва қанча муддатда? Бу пайтда улар лаборатория синовидан ўтказиладими?

Азиз МИТАНОВ
Тошкент тумани

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ МАМЛАКАТГА ҚАЙ ТАРТИБДА ОЛИБ КИРИЛАДИ?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасида дори воситалари ва бошқа фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни хориждан олиб кириш (импорт) ва хорижга чиқариш, республика ҳудудида муомалага киритиш ва улардан фойдаланиш масалалари асосан «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунлар, «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади.

Юқорида қайд этилган қонунлар, фармон ва ҳукумат қарори талабларига мувофиқ, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва хориждан олиб кирилган дори воситалари мажбурий тарзда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларини муомалага чиқариш тақиқланади ва муайян жавобгарликни келтириб чиқаради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази – Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш, сифат назорати, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришни амалга оширадиган ишчи органи ҳисобланади ва дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ваколати берилган ишчи органдир.

«Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида»ги Низомда давлат рўйхатидан ўтказиладиган ва ўтказилмайдиган дори воситалари ва тиббий буюмлар аниқ белгилаб берилган.

Хусусан, дори воситалари, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг янги комбинациялари, илгари Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган, бироқ бошқача дори шаклларида, дозаларда ёки бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника давлат рўйхатидан ўтказилади.

Шу билан бирга, дорихоналарда тайёрланадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда илмий-тадқиқот ишлари учун олиб кириладиган, клиникагача тадқиқотлар, клиник тадқиқотлар ўтказиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, кўргазмаларда, ярмаркаларда, халқаро анжуманларда намойиш этиш учун мўлжалланган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника рўйхатдан ўтказилмайди.

Низомда дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари қатъий белгилаб қўйилган. Жумладан, гувоҳнома бериш тўғрисидаги ариза Давлат маркази томонидан қуйидагилардан ошмайдиган муддатларда кўриб чиқилади:

15 иш куни – тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган дори воситалари, тиббий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмлари;

50 кун – дори моддалари (субстанциялар) учун;

60 кун – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган дори препаратлари ва «in vitro» ташхис тиббий буюмлари учун;

120 кун – қадоқланган ва ўраш-жойлаш материалига жойланган фармакопея доривор ўсимлик хомашёси шаклидаги дори воситалари, боғлов материаллари, тешиш, инъекция, трансфузия ва сўриб олишга мўлжалланган буюмлар, контрацептивлар, резина, резина мато, латекс, полимердан тайёрланган тиббий буюмлар, беморларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, беморларни парвариш қилиш учун тиббий буюмлар.

155 кун – қолган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника учун.

Қуйидаги муддатлар юқорида кўрсатилган муддатларга киритилмайди:

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани экспертизадан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун белгиланган 45 кундан ошмайдиган муддат;

клиник синовлар ўтказиш учун клиник базаларга ариза берувчи томонидан тегишли тартибда келишилган клиник синовлар дастурларини, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника намуналарини тақдим этиш учун белгиланган 45 кундан ошмайдиган муддат;

женерик дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишнинг бевосита бир йилдан ошмайдиган, оригинал дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишнинг уч йилдан ошмайдиган муддатлари.

Дори моддаларини (субстанциялар) ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган дори препаратларини рўйхатдан ўтказишда клиник тадқиқотлар ўтказилмайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган дори воситалари ва «in vitro» ташхис тиббий буюмлари, тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган дори воситалари, тиббий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмларини рўйхатдан ўтказишда лаборатория синовлари ўтказилмайди.

Дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларига кўра хорижий ишлаб чиқарувчиларга амал қилиш муддати беш йил, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга муддатсиз бўлган тегишли рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилади.

Гувоҳнома дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техниканинг давлат рўйхатидан ўтказилганини ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат берилганини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

ТАҲРИРИЯТДАН: Бизнинг бу саволга жавоб излашдан асосий мақсадимиз мутасаддиларнинг эътиборини бугунги воқеалар фонида сояда қолаётган мавзуга яна бир бор қаратишдир.
Зеро, «Док-1 Макс» дори воситаси сабаб бўлган аянчли воқеа – норасида гўдакларнинг бевақт ўлими нафақат унутиб бўлмас, балки кечириб ҳам бўлмас ҳолат эди.
Ўйлаймизки, мазкур саволга жавоб орқали «ўша ҳолатларнинг асл сабабчиси кимлар эди» деган жавоб ҳам келиб чиқади.

Сурхондарё вилояти

Муаллималар яна мактабга қайтди

Касаба уюшма аралашгач...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига pm/gov/uz орқали Музработ туманининг «Нурли ҳаёт» маҳалласида яшовчи Айновар Холиқова, Гулчеҳра Ҳалимова ва Фароғат Тоғаевадан мурожаат келиб тушди.

Унда мурожаатчиларнинг пенсия ёшига етгани сабабли улар билан тузилган меҳнат шартномалари иш берувчи томонидан бекор қилингани баён этилиб, ишга тикланишларида ёрдам сўралганди. Мен ушбу можарони ваколатим доирасида атрофлича ўргандим.

Аниқландики, Айновар Холиқова ва Гулчеҳра Ҳалимова ҳозир 54, Фароғат Тоғаева эса 58 ёшда. Улар узоқ йиллар тумандаги 44-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси вазифасини бажариб келишган. Аммо иш берувчи Фароғат Тоғаева ва Гулчеҳра Ҳалимовани 2022 йил 31 майда, Айновар Холиқовани 1 июнда пенсия ёшига тўлгани ва ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлгани сабабли улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида ёзма равишда огоҳлантирган. Белгиланган муддат тугагач, бу ҳужжатларни Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига асосан, 1 августдан эътиборан бекор қилиш тўғрисида буйруқ имзолаган. Ана шу жараёнда бир қатор хатоларга йўл қўйилган.

Биринчидан, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 1-бандига биноан, 2019 йил 1 майдан бошлаб аёлларнинг пенсия ёшига тўлгани ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келгани сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномаси муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланган.

Иккинчидан, Меҳнат кодексининг 1-моддаси 3-қисми талабига кўра, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида шартнома (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари шу хусусдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Меҳнат муносабатларига тааллуқли бошқа қонун ҳужжатлари деганда эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямиз ҳамда қонунларимизга мувофиқ қабул қилинган фармон ва қарорлари, меҳнат муносабатларини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар тушунилади. Давлатимиз раҳбари 2022 йил 7 мартда имзолаган «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг 1-иловаси асосида 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур қабул қилинган. Дастурни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришдан иборатдир.

Биз ўрганган ҳолатда эса, иш берувчи уч нафар ходим билан меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилишдан олдин муассаса бошланғич касаба уюшма қўмитасининг розилигини олмаган. Оқибатда Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-банди, 102- ва 101-моддалари риоя қилинмаган. Бу ҳақда унга кўрсатма юборилди. Бироқ кўрсатмани бажаришни рад этгач, фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига ноқонуний буйруқни бекор қилиш, ходимларни ишга тиклаш, ойлик иш ҳақлари ва маънавий зарарларни ундириш тўғрисида даъво ариза киритилди. Суд ўтган йил 10 ноябрда даъво талабларини қаноатлантириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарди. У жавобгар томонидан бажарилди.

Шундай қилиб, вазифаларидан ноҳақ бўшатилган муаллималар ишга тикландилар. Шунинг баробарида Гулчеҳра Ҳалимовага жами 10 176 580 сўм, Фароғат Тоғаевага 11 547 923 сўм, Айновар Холиқовага 12 519 546 сўм миқдоридаги ойлик иш ҳақлари ва маънавий зарарлар ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ҳикмат

Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

Амир ТЕМУР

Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги эътиборига!

«Ishonch» газетасининг 2023 йил 5 январдаги сонида эълон қилинган «Гап аслида муаллимларда...» сарлавҳали мақола кенг жамоатчилик эътиборини тортди ва унга кўпчилик муносабат билдирмоқда. Қуйида айрим муносабатлар ҳавола этилмоқда.

«Осмондаги йўллар»ни излашни бас қилайлик

САБАБ БИТТА!

«Гап аслида муаллимларда...» сарлавҳали мақолани ўқир эканман, унда жамият, хусусан, педагоглар дилидаги дардлар битилгани сабаб, қўлимга қалам олишга қарор қилдим.

Эндиликда номи ўзгарган мактаб ва мактабгача таълим соҳасига турли интеллектдаги янги раҳбарларни тез-тез тайинлаш билан кутилган натижага эришилмаётганига ягона сабаб шуки, «инновация»лар ҳаддан ошиқ кўпайиб кетди. Соҳага янги раҳбар келиши билан арзиса ҳам, арзимаса ҳам янги тизим жорий қилинади.

Ёш педагог сифатида айтишим мумкинки, ўқитувчи шу даражада банд қилиндики, ҳатто дарс ўтишга ҳам вақт қолдиришмади. Бу аҳволда қандай ўзгариш бўлсин? Ўқитувчига паст назарда қараш ҳали ҳам бор. Унинг шаъни обрўсизлантирилди. Бунга ижтимоий тармоқлардаги «лавҳалар»дан кўп гувоҳ бўляпмиз. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Маориф йўлида ишлайдурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангиз!», деган гапларида нақадар жон бор. Европа мамлакатларида ўқитувчи шарафли касб ва бунга ҳамма ҳам етишолмайди. Бизда эса...

Ўқитувчилар яхши дарс ўтишдан манфаатдорми? Албатта, ўқитувчи касбини танлаган инсон борки, яхши таълим бергиси келади. Бироқ тан олиб айтишим керакки, бугун маърифатни тарғиб қилувчи устозлар «Маърифат» газетасини ўқимаяпти. Мажбурий обуна уларга яхшигина «баҳона» бўлди. Устоздан тортиб ўқувчигача ижтимоий тармоқлардаги «урди-қочди» хабарлар билан чекланиб қоляпти, холос. Чуқур таҳлил етишмаяпти ва бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмаяпти. Ёш авлод ҳаётга саёз қараяпти. Ҳаммасига сабаб битта – мактаб ва мактабгача таълим тизимида газета саводхонлиги етишмаяпти. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларга «газета ўқинглар» десангиз, уларнинг энсаси қотади. «Газета қизиқ эмас, электрон маълумотлар бор-ку» деб шаблон сўзлар билан жавоб қайтаришади.

Шу ўринда Мунавваркори Абдурашидхоновнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш жоиз: «Зеро, она тилисиз ва миллий матбуотсиз дунёда ҳеч бир миллат тараққий ва маданият йўлида қадам қўймайди».

Менимча, мактаб ва мактабгача таълим тизимида даврий нашрлар ўқилишини таъминлаш керак.

KUNDALIK.COM ЎЗИНИ ОҚЛАМАДИ

Кўпчилик йил якунида уддасидан чиққан ишларни сарҳисоб қилади. Бизнинг оилада кичик бир анъана бор. Ҳар йили йил якунида мактабда ўқиётган фарзандларимизни олган баҳолари бўйича рағбатлантирамиз. Бу ота-онанинг фарзандининг билим олишига беэътибор эмаслигини кўрсатса, болада эса илмга бўлган қизиқишни орттиради.

Бу йил ҳам кундаликдаги баҳоларни санай бошладик. Оиламизда беш нафар мактаб ўқувчиси бўлиб, шундан икки нафарида (ўқитувчи ва ота-оналарнинг хоҳиши билан) ҳақиқий кундалик дафтар бор экан. Қолганларида «даҳо»лар ўйлаб топган kundalik.com. Не кўз билан кўрайликки, байрам кунлари бу дастурлар ё ишламади ёки техник носозлик бўлди. Хуллас, биз баҳоларни санай олмадик. Мана, сизга «инновацион ғоя».

Назаримда, оддий кундаликни электрон шаклга кўчириб, янгилик сифатида жорий қилиш билан мактаблардаги муаммоларни бартараф этиб бўлмайди. Шунчаки, ўқитувчининг иши яна биттага кўпайгани қолади, холос.

КУНДАЛИК ДАФТАРНИ ҚАЙТАРИНГ

Мактабни тугатганимга 17 йил бўлди. Ҳалигача кундалик дафтарларимдан бир нечтасини сақлаб қўйганман. Чунки менинг ҳаракатларим, мактабдаги интилишларимни меваси улар. Фарзандларимга уларни ўрнак қилиб кўрсата оламан. Ишонаманки, катта авлоднинг кўпчилиги бу ишни қилган. Бу ахир, тайёр тарбия кўзгуси-ку!

Бугунги авлод-чи? Улар эртага ўқувчилик давридан эсдалик учун kundalik.com.га кириладиган «пароль» ва «логин»ни асраб қўядими? Улар ўзларидан кейинги авлодга қанақанги кўзгу бўлишади? Аслида, бу дастурда биринчи чоракнинг баҳоларини иккинчи чоракда ҳам топиш амримаҳол.

Шу ўринда ўқувчилик даврингизни бир эсланг... Диктант, назорат иши, шеър ёд олганингизда устознинг столига кундаликни олиб келиб, баҳоларни қўйдирган жараённи, уйга хурсанд бўлиб аъло баҳолар билан қайтган дамингизни, кундаликдаги «ота-она имзоси» деган жойига қўл қўйдириш жараёнида «баракалла, ўғлим ёки қизим», дея алқаб қўйганларини бир эсланг...

Кундалик тўлдириш, дарс жадвалига қараб сумкага бирин-кетин дафтар ва китобларни жойлаш завқини kundalik.comдан тополмайсиз.

«XXI аср, инновацион асрда яшаяпмиз», деб иддао қилишлари мумкин. Тўғри, буни тан олмасдан илож йўқ. Лекин боримизни техникага топширган билан қадрият, ҳис-туйғуларга келганда техникани ҳам оқсоқланиши аниқ. Бир талай китоб-дафтар кетадиган сумканинг бир чеккасида кундалик дафтарга ҳам жой топилар?!

Мактабдаги муаммоларни камайтириш, таълимга эътибор беришнинг турли хил «осмондаги йўллар»ини излашни бас қилайлик. Муаллимнинг ҳурматини жойига қўйиб, унинг қўлидаги «қоғоз»ни камайтирсак, устоз ўз устида ишлашга ҳам, моҳирона дарс ўтишига ҳам вақт топади. Орамизда билимли ўқитувчилар жуда кўп. Уларга «доно»ларнинг иннованияси ортиқчалик қиляпти.

Эътиқодхон ОТАҚУЛОВА,
ЎзЖОКУ ўқитувчиси

Тўғри таклиф. Халқимизда «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деб бекорга айтилмаган. Педагогларни жон қулоқ билан эшитиш керак, аммо кутилмаганда пайдо бўлиб қолган раҳбарларни эмас, соҳани ипидан игнасигача биладиган, тизимнинг барча босқичларини ўтаган, билимли ва фидойи мутахассисларни тинглаш зарур. Шундагина фикрлар уйғунлашади, таклифлар тош босади.

Нега соҳани вилоят, шаҳар, туман даражасида чуқур ўрганиб, таълимда бурилиш ясаганлар намуна сифатида тилга олинмайди-да, айланиб-ўргилиб хорижий тажрибалар мақталгани мақталган? Нима, бизда салоҳиятли мактаб ёки иқтидорли ўқитувчилар умуман йўқми? Ўнлаб педагогика университетлари, илмий тадқиқот ва малака ошириш институтлари томошабин ролини ўйнаб тураверадими? Бу муассасалар кимни қандай ўқитади, нималарни тадқиқот қилади ва кимларнинг малакасини қанақа оширади?

Ҳикмат

Халқ учун нондан сўнг энг муҳими, мактабдир.

Ж. ДАНТОН

Акс-садо

ОЙНИНГ КЎРИНМАС ТОМОНИ ҲАМ БОР

Мақолани катта қизиқиш билан ўқидим ва афсусландим ҳам. Мақола руҳидан шу англашиладики, таълим ва тарбия борасидаги ечимнинг бир учи бевосита мактаб ўқитувчиларининг фикру фидойилигига боғлиқ. Муаллиф бежиз янгидан тайинланган вазирга мурожаат этиб: «...тепадан ва ташқаридан турли «реформа»ларни кучайтиришдан аввал бир устозларнинг ўзларига қулоқ тутинг, уларнинг дардини тингланг, аслида соҳанинг бутун дарду ташвишларини улардан ўтказиб ҳеч ким сизга тўғри таҳлил қилиб бера олмайди» деган таъкиди кўп нарсани англатади.

Мактаб ўқитувчиларига сўз бериш ва уларни тинглаш фурсати аллақачон етган. Аммо уларга ким минбар беради ва кимлар дардини эшитади? Соҳанинг туман, вилоят, республика раҳбарларими? Шу пайтгача бирор бир ўқитувчининг билдирган фикрига эътибор қаратилиб, маъқул томони жорий этилганми?

Ҳақиқатга тик қаралса, фикрни ҳам, ечимини ҳам «катталар» айтиши совет замонасида қолган мерос. Фақатгина уларники тўғри ва маъқул! Мактаблар фаолияти тор изли темир йўлдаги трамвайларга ўхшаб қолган. Маршрут белгиланган.

Тўғри, мустақилликка эришилгач, «Ойнинг кўринмайдиган томони»даги ҳолатларни бартараф этиш чоралари кўрила бошланди. Лекин мактаблар биноси янгиланиб, замонавий жиҳозлар билан қанчалик бойитилмасин, таълимда жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмади.

Касби, маоши оиласининг эҳтиёжини қондирмаган ҳар қандай одамнинг қўли ишга бормайди. Руҳан толиқади, чалғийди, рўзғорни бутлаш учун бошқа йўл ва имкон қидиради.

Хўш, кейинги ўн йилда педагогика институт ва университетларини қанча талаба битирди ва улардан ҳозирда қанчаси мактабда ишлайди? Айнан мана шу ўн йилда тамомлаганларнинг қанчаси ишлаш учун чет мамлакатларга чиқиб кетган, қанчаси бозорда, қанчаси далада, қанчаси бошқа соҳаларда? Нега шу соҳада ўқиган йигитларнинг бир қисми мактабга қайтмаяпти?

Агар шундай таҳлиллар бўлса, уларнинг натижаси бир-биридан кескин фарқ қилади. Чунки ўқитувчининг, айниқса, эркак ўқитувчининг хаёли оила таъминоти билан банд бўлади. Топаётгани учма-уч етса, нима қилсин, йўл ахтаради-да. Едириш, кийдириш, даволатиш, солиқлар, агарда фарзанди олий ўқув юртида ўқиётган бўлса, контракт тўлови, ижара пули...

Оиладаги етишмовчилик ўқитувчини руҳан ва жисмонан толиқтириб, уни ўз устида ишлаш, дарс ўтиш қизиқтирмай қўяди.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида малака тоифасига қараб, иқтидорли ўқитувчиларнинг ойлик маошини босқичма-босқич 1000 АҚШ доллар эквивалентига етказиш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Бу ёндашув мактабларда таълим сифатини оширишда муҳим омил бўлиши мумкин.

Жорий йилда давлат бюджетидан таълим соҳаси учун 58,4 триллион сўм йўналтириш кўзланган. Халқ таълими вазирлиги Таълим сифати жараёнларини мувофиқлаштириш департаменти директори Лазиз Хўжақуловнинг ЎзА мухбири билан бўлган суҳбатда қайд этишича, республикамизда 10 минг 85 та мактаб бўлиб, уларда 502 минг нафар ўқитувчи ишлар ва яна тахминан 400 минг нафар ўқитувчини ишга жойлаштириш имконияти ҳам бор экан.

Бу статистик маълумотда улкан маблағ акс этган. Аммо ярим миллионлик ўқитувчиларнинг қўлига тегадигани оиласи таъминоти учун кифоя бўлиш-бўлмаслиги хусусида бир нарса дейиш қийин.

«Merit» хусусий мактабининг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳноза Мирзаюлдашеванинг фикрича, Ўзбекистонда таълим соҳасида замонавий ва билимли кадрлар етишмайди. Бунинг сабаби иқтисодий масалага бориб тақалади. Кўп давлатларнинг таълим тизими ривожланиши тарихига назар солсангиз, у мамлакатлар инқирозга учраса ҳам, педагоглар маошини оширган ва бу йиллар ўтиб, ўз мевасини берган.

Мамлакатимизда йил сайин ижтимоий муҳофазага катта эътибор қаратилиб, жумладан, ўқитувчиларнинг маошлари ҳам оширилиб бораётгани ҳақиқат. Аммо бозордаги нарх-наво, турли-туман тўловлар кетма-кет ошиб бораётгани ҳам ҳақиқат. Айнан мана шу каби ҳолатлар «камбағаллик»ка бошлаб, кўпчиликка номи эриш туюладиган «вазирлик» шаклланишигача бориб етди.

Таълим ва иқтисод масаласига иккинчи томондан ёндашилса, ҳозирча торроқ доирада бўлса-да, ўқитувчиларнинг бир қисми касбий маҳорати сабаб моддий аҳволини яхшилаш йўлига ўтди. Қўйилган талабларни оқлай билишига кўзи етганларнинг бир қисми хусусий мактабларда фаолият кўрсатиб, қониқтирадиган даражада ойлик олаётир. Ундай ўқитувчилар ҳеч кимнинг талаби ва назоратисиз ўз устида ишлайди, конспект ёзади, китоб ўқийди, дарсга тайёргарлик кўради. Шунингдек, репетиторлик қилиб ҳам даромад топаётган ўқитувчилар талайгина.

Хуллас, ўқитувчининг ҳаётий эҳтиёжлари жиддий ўрганилиб, уни яхшилаш учун бир тўхтамга келинмас экан, қайси мамлакатдан қанақа тажриба «пайванд» қилинмасин, унинг кўкариши гумон.

Ҳар бир мамлакатнинг келажаги ва иқболи мактабдадир. Шундай экан, ўтмишдаги боболаримиз номларини фахр-ифтихор этиш билан мурод ҳосил бўлмайди. Уларга муносиб, издош, салоҳиятли авлодни тарбиялаш шарт ва бу муқаддас вазифадир.

Бугунги ёшларнинг билими ҳақида сўз юритар эканмиз, бунга ўтган йили бакалавриатга қабул имтиҳонларининг якуний натижаси билан нигоҳ ташлаб кўрамиз. Ўтган йили тест синовларида 1 миллион 73 минг абитуриент қатнашиб, уларнинг 51 фоизи, яъни ярмидан кўпи ҳатто минимум ўтиш баллини тўплай олмаган. Мутахассислар шарҳига кўра, минимум ўтиш балли – максимал баллнинг 30 фоизини ташкил этаркан. Бу академик рейтинг тизими бўйича, максимал 189 баллдан 56,7 баллни йиғолмаслик «2» баҳодан қуйи бўлиб, «1» баҳога тенглашиб қолар экан.

Бу ҳазм қилиш оғир бўлса-да, ҳақиқат. Халқ таълимида кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотлари ҳақида кўп гапираётган бўлса-да, афсуски, натижалар сўзларни инкор этаётир.

Демак, тизимда айтиладиган ва эшитадиган гаплар йиғилиб қолган. Бу – аниқ. Айнан шунинг учун ҳам ўқитувчилар билан жойларда жонли мулоқотлар ўтказиш, уларга юракларини бўшатишга имкон бериш керак. Ана ўшанда «Ойнинг кўринмас томони» ҳам намоён бўлиб, «кўпда Хизр бор» деганларидек, хайрли ечимлар топилса, умидли натижаларга эришилса, ажаб эмас.

Суюндиқ МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси

Жиззах вилояти

Устоздан ёлчиган чавандозлар

Ғаллароллик Шертой Пиримқуловнинг ота-боболари кўпкариларда муваффақиятли қатнашиб, эл-юрт назарига тушгандилар. Шу боис у ҳам болалигиданоқ эрта-ю кеч отхонада куймаланиб юрадиган бобосига чопқир ва бедов, зийрак ва ақлли тулпорларни парваришлашда кўмаклашар, турли байрам-сайллар, тантана ва йиғинлар муносабати билан бўладиган от спорти мусобақаларида иштирок этишни канда қилмасди. Кейинчалик ёш йигитнинг кўнглидаги орзу-ҳавас эзгу мақсадга айланди, у чавандозликка астойдил ихлос қўйди. Бора-бора мусобақаларда таниқли чавандозлар билан тенгма-тенг беллашадиган даражага етди. Сўнгги ўн йил мобайнида эса қўшни вилоятларда ўтказиладиган улоқларда ҳам совринларни қўлга киритиб келмоқда.

Шертой ўзи ишлайдиган «Аббос-Али» фермер хўжалиги раҳбари, таниқли чорвадор Хайрулла Аббосовни отасидан кейинги иккинчи устози деб билади. Бу бежиз эмас. Хайрулла Аббосов узоқ йиллардан буён туманда севимли миллий ўйинимиз – кўпкарини янада ривожлантиришга бош-қош бўлиб келяпти. Тажриба алмашиш учун ҳузурига бошқа вилоятлардан келган мутахассислардан қимматли маслаҳатларини аямайди. Шижоатли ва изланувчан ёш чавандозлар билан тез-тез учрашиб, уларнинг шарт-шароитларини ўрганади, зарурат туғилганда, моддий ёрдам кўрсатади. Барчасига узлуксиз ҳаракатда бўлган киши дардга чалинмаслигини, доимо соғлом ва бақувват бўлишини бот-бот эслатиб, дуо қилиб туради. Ўзи ҳам мана шу ақидага қатъий риоя қилиб, ҳалигача ҳовлисида от парваришлайди. Вақти-вақти билан от спорти билан шуғулланиб, қорабайирда сайр қилиб туради.

Табиийки, шогирдлар ҳам устоз ишончини оқлашмоқда. Жумладан, Шертой Пиримқулов 2010-2011 йилларда вилоят биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда қаторасига икки бор ғолиб чиқди. Шунингдек, республика босқичида ҳам совриндорлар сафидан ўрин олиб, «Матиз» русумли автомашина ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Бунёд Аббосов эса Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда республика улоқ-кўпкари федерациясининг кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди. Анвар Жўраев, Ойбек Аббосов, Саҳоб Мухторов, Шароф Сувонов каби ёшлар ҳам бундай беллашувларда муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Абдулла САИДОВ

Орамиздаги одамлар

Дунёда турли-туман нохуш воқеа-ҳодисалар бот-бот рўй бераётган ҳозирги даврда давлатлараро ва миллатлараро ҳамжиҳатлигу ўзаро борди-келдиларни тўғри йўлга қўйиш дўстлик ва меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга, энг муҳими, барчамиз учун бирдек зарур бўлган тинчликни асраб-авайлашга хизмат қилиши табиий. Сўнгги йилларда мамлакатимиз қардош халқлар билан ўрнатган ижтимоий-сиёсий алоқалар истиқболли лойиҳаларга пухта замин яратмоқда. Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Коммуникациялар бўлими маслаҳатчиси Ҳамди Туршужу билан суҳбатимиз ҳам ушбу масаланинг муҳим жиҳатлари ҳақида бўлди.

Дўстлигимиз абадий бўлиши тарафдоримиз

Халқаро ҳамкорлик

– Ўзбек ва турк миллати азал-азалдан дўст ва қардош. Уларни азим чинорнинг бақувват шохларига ўхшатиш мумкин...

– Машҳур турк шоири ва ёзувчиси Яҳё Камол Беятлининг «Биз илдизлари ўтмишда бўлган келажакмиз!» деган гапи бор. Бу Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи жуда ўринли таърифдир. Чунки иккала миллатнинг тарихи, маданияти, тили, туйғулари бир-бирига монанддир. Бир неча асрлар давомида турк-ислом цивилизациясининг ватани бўлган, олис Осиёдан Анадолугача чўзилган Буюк Ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган ушбу замин турли элатлар ва маданиятларни бирлаштириб, тарихнинг ҳар даврида уларнинг ўзаро уйқашлигини таъминлаган. Бу гўшадан Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Али Қушчи, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк алломалар етишиб чиққан.

Туркиядаги дўстлик ва биродарлик туйғулари давлатимиз ва миллатимизнинг, қолаверса, Президентимиз жаноб Ражаб Тойиб Эрдўғоннинг саъй-ҳаракатлари самарасидир. Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар биз учун нафақат тарихий, балки кейинги пайтларда содир бўлаётган муҳим ўзгаришлар жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биз минтақада тинчликни барқарорлаштиришга интилаётган Ўзбекистон билан дўстлигимиз, ҳамжиҳатлигимиз ва ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганидан беҳад мамнунмиз.

– Сиз фаолият юритаётган Туркия элчихонасида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, янги истиқболли йўллар очиш борасида қандай ишлар амалга оширилянпти?

– Бугунги кунда Туркия ва Ўзбекистон муносабатлари барча соҳалар бўйича ўзаро ишонч муҳитида ривожланмоқда. Биз 2022 йил 4 март куни давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонладик. Зеро, Туркия 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган.

Жаноб Шавкат Мирзиёев 2016 йили Президент этиб сайлангач, Туркия ва Ўзбекистоннинг икки томонлама муносабатлари батамом ўзгача тус олди. Натижада ўзаро алоқаларимиз ўтган давр мобайнида «Қардошликка асосланган кенг қамровли стратегик ҳамкорлик» мақомини олди ва мисли кўрилмаган даражада юқори босқичга кўтарилди. Улар барча даражадаги ўзаро ташрифлар асосида янада мустаҳкамланди. Масалан, жаноб Ражаб Тойиб Эрдўғон ўтган йили Ўзбекистонга уч марта ташриф буюрди. Шунингдек, туркиялик вазирларнинг аксарияти юртингизда бўлишди.

«Муштарак тарих ва келажак» шиори остида иш юритилаётган янги даврда энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият, ёшлар сиёсати, атроф-муҳит муҳофазаси, туризм, алоқа тизими ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорлигимиз мустаҳкамланди. Жумладан, мен бевосита алоқадор саналган оммавий ахборот воситалари ва коммуникациялар соҳасидаги ҳамкорликлар ва тажриба алмашишлар натижаси ҳам қувончли бўлди. АОКА, Миллий ОАВ, МТРК, ЎзА, хусусий телевидениелар, радио, интернет ва газеталар билан ҳамжиҳатликдаги мулоқотларимиз самарали кечди. Ўзбекистондаги ташкилот-муассасаларда бизга нисбатан бўлган дўстона ва самимий муносабат ишимизни осонлаштирди. Бунинг учун уларнинг барчасига миннатдорчилик билдираман. Айни чоғда, «ТРТ» ва «Анадолу» агентликларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари икки давлат ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ривожига салмоқли ҳисса қўшаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

– Бултур ноябрь ойида қадимий Самарқандда дунёнинг катта қисмини эгаллаган Евроосиё минтақасидаги 150 миллион аҳолига эга нуфузли тузилма – Туркий давлатлар ташкилотининг янги форматдаги илк саммити бўлиб ўтди. Унда сиз ҳам қатнашдингиз. Ушбу халқаро анжумандан олган таассуротларингиз, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун нималар қилиш керак-лиги тўғрисида сўзлаб берсангиз.

– Бугунги глобал таҳдид ва ноаниқликлар даврида ақл, виждон, меҳр-оқибат, адолат ва кучлар бирлигига асосланган ҳамжиҳатликка эҳтиёж катта. Халқаро муаммоларга бир ёки бир неча давлатнинг саъй-ҳаракатлари билан эмас, балки кенг кўламли ҳамкорлик орқали ечим топиш мумкин. Туркий давлатлар ташкилоти эса ҳозир бутун жаҳон аҳли муҳтож бўлган адолат, раҳм-шафқат ва барқарорликка ўз ҳиссасини қўша оладиган тузилмалардан биридир. Сўнгги саммитда Ўзбекистон мазкур ташкилотга раҳбарликни қабул қилиб олгани ҳам муҳим воқеа бўлди. Чунки тинчлик ҳукмрон Ўзбекистоннинг дунё аҳлига айтар гаплари кўп. Бу нафақат сизлар, балки биз учун ҳам қувонарли воқеадир.

Туркий Кенгашнинг 2021 йил кузида бўлиб ўтган саммитида қабул қилинган «Турк дунёсининг кўриниши – 2040» тўғрисида»ги қарор эса умумий йўналишимиз доирасини белгилаб берди. Туркий дунёнинг келгуси 20 йилдаги истиқболи акс этган ушбу ҳужжат аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида кўплаб соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтиришни тақозо этадиган йўл харитасидир. У «Сиёсий ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик», «Иқтисодий ва тармоқлараро ҳамкорлик», «Халқаро ҳамкорлик ва учинчи томонлар билан ҳамкорлик»нинг тўртта асосий тамойилларига асосланиб, ҳар бир аъзо давлатни миллий асос ва гуруҳ сифатида янада кучайтиришга йўналтирилган стратегик ёндашувни тақдим этади. Таъкидлаш жоизки, сиёсий соҳада умумий манфаатларга эга бўлган халқаро ва минтақавий ташқи сиёсат масалалари бўйича мунтазам маслаҳатлашувлар механизмини мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда. Иқтисодий соҳада аъзо давлатлар ўртасида савдо ҳажмини ошириш, ушбу давлатларни шарқ, ғарб, шимол ва жануб савдо йўлакларини боғловчи кучли минтақавий иқтисодий гуруҳга айлантириш, минтақаларо рақамли алоқани ўрнатиш каби режалар бор.

Эзгу мақсадда кўплаб минтақавий ва субминтақавий механизмлар жорий этилмоқда. Ўтган йил 4 июлда Туркий давлатлар ташкилоти қишлоқ хўжалиги вазирларининг, 2 августда Туркия, Озарбайжон ҳамда Ўзбекистон ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг Тошкентда ўтказилган йиғилишлари фикримизнинг исботи бўла олади. 11 ноябрда эса кўҳна Самарқандда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг «Турк цивилизациясининг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» мавзусидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда турк дунёсини янада жипслаштирадиган ўта муҳим қарорлар қабул қилинди.

– Кейинги пайтлар халқаро алоқаларда илм-фан ва адабиётга эътибор кучайтирилди. Давлат раҳбарлари учрашувларида китоблар совға қилиш хайрли анъанага айланди. Табиийки, адабий алоқаларни мустаҳкамлаш, таржималар қилиш, китобхонликни кучайтириш икки миллатни янада яқинлаштиради.

– Биласизми, мен қуйидаги ҳикматни жуда ёқтираман: «Агар сиз келаси йилни ўйлаётган бўлсангиз, буғдой экинг. Агар 10 йил кейинни ўйлаётган бўлсангиз, мевали дарахт экинг. Мабодо, 100 йилдан кейинни режа қилсангиз, инсонларни ўқитинг». Ҳа, одамлар учун киритилган инвестиция энг муҳимидир. Бу борада таълим ва маданиятни тараққий эттириш ғоят долзарб вазифа ҳисобланади. Бинобарин, Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқалар жадал суръатларда ривожланаётгани жуда қувонарлидир.

Тил, тарих ва маданият муштараклигини эслатувчи, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайдиган муҳим омиллардан яна бири адабий меросимизни қадрлаш ва бир-биримизни улар билан таништиришдир. Таржимонлик фаолиятини равнақ топтириш бунинг энг яхши воситаларидан бири. Аслида таржима сўзини туркий тиллар орасида қўллаш қанчалик тўғрилигини билмайман, чунки юқорида эслатилганидек, биз илдизи бир дарахтнинг шохларимиз.

Ёдингизда бўлса, Ўзбекистон Президенти жаноб Шавкат Мирзиёев 2020 йил февралида Туркияга ташрифи чоғи мамлакатимиздаги Миллий кутубхона очилишида қатнашди. Ўша тадбирда Туркия Президенти Ражаб Тойиб Эрдўғон турк тилида нашр этилган «Янги Ўзбекистон: келажаги буюк давлат» тўпламини совға сифатида топширди. Жаноб Мирзиёев эса Туркий давлатлар ташкилотининг 2021 йили Истанбулда бўлган саммитида Ражаб Тойиб Эрдўғонга ўзбек тилида босилган «Дунё янада адолатли бўлиши мумкин» китобини туҳфа қилди. Президентларимизнинг бир-бирига бу эҳтироми аслида халқларимиз ўртасидаги дўстлик рамзидир.

Дарвоқе, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Туркиянинг кўплаб ноширлари ўзаро учрашувлар ўтказдилар. Бултур март ойида Истанбулда уюштирилган жаҳоннинг етакчи муаллифлик ҳуқуқи ярмаркаларидан бири – «Fellowship»да иштирок этган ўзбек нашриёти ва АОКА вакиллари таржима бўйича кўплаб шартномалар тузишди. Ўзбекистон бу йил кўкламда ушбу ярмарканинг фахрий меҳмони бўлади. Ҳозир иккала мамлакатдаги китоб дўконларида турк ва ўзбек адабиётига ҳамда бошқа соҳаларга оид талай асарларни кўриш мумкин. Масалан, Президентимизнинг «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган «Дунё янада адолатли бўлиши мумкин» китобини ҳамда таниқли ёзувчи Хайриддин Султоновнинг «Chelik» нашриётида турк тилида босилган «Onamning yurti» номли ҳикоялар тўпламини бугун Туркиядаги китоб дўконларидан бемалол топиш мумкин. Охирги йилларда бошқа ўзбек адибларининг асарлари ҳам туркчага ўгирилмоқда. Буларнинг барчаси адабий алоқаларимиз қамрови тобора кенгайиб бораётганини англатади.

– Келгусидаги режаларингиз ва таклифларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

– Элчихонанинг мен маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган бўлими ҳамда Туркия Республикаси Президенти администрацияси коммуникациялар департаменти оммавий ахборот воситалари ва алоқа соҳаларига тегишли кўплаб масалалар билан яқиндан шуғулланади. Негаки, ҳозир дунёда ахборот технологиялари кириб бормаган соҳа қолмади ҳисоб. Қолаверса, дезинформация нафақат шахслар ва институтлар, балки давлатлар фаолиятига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатиб, вақт ўтгани сайин глобал тус олмоқда. Бу масалада якка шахс, битта муассаса ёки биргина давлат кураш олиб бориши етарли эмас. Ўз навбатида, янгиликлар манбалари ва жараёнлари давлатлар даражасида тез ва самарали равишда алмашинадиган платформаларнинг аҳамияти ортмоқда. Ҳам юқори даражадаги ҳамкорлик ва куч бирлиги, ҳам кўп қиррали ва қатъий дунёқараш керак.

Биз, айниқса, маданий ва ижтимоий ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интиляпмиз. Бунда Президентимиз жаноб Ражаб Тойиб Эрдўғон илгари сурган дўстлик ва биродарлик тамойиллари, Президент администрацияси коммуникациялар департаменти директори, профессор Фаҳреттин Алтуннинг раҳбарлиги ва Тошкентдаги элчимиз жаноб Олган Бекарнинг рағбатлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўллаб-қувватлашини, бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари, АОКА, Ўзбекистон ёзувчилар ва журналистлар уюшмалари, барча оммавий ахборот воситалари кўмагини ҳам алоҳида эслатиб ўтиш жоиз. Биз бундан кейин ҳам мамлакатларимиз ўртасида маданият ва адабиёт, оммавий ахборот воситалари ва коммуникациялар соҳасидаги муносабатларни дўстлик ва биродарлик ҳуқуқлари доирасида янада ривожлантиришга ҳаракат қиламиз.

– Мазмунли суҳбат учун миннатдорчилик билдираман ҳамда масъулиятли ва шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

– Ўзбекистон ота – юртимиз! Биз ўзбек халқидан ҳамиша меҳр ва илтифот кўрганмиз. Шу боис дўстлигимиз абадий бўлиши тарафдоримиз.

Наргиза АСАДОВА суҳбатлашди.

ҚИШ ХАСТАЛИКЛАР МАВСУМИ ЭМАС!

Қиш фаслидаги совуқ ҳаво нафақат инсон танасига, балки руҳиятига ҳам таъсир қилади. Кўпчиликнинг иш унумдорлиги сусаяди. Ҳар биримизни қандайдир касаллик бир «туртиб» кўради. Айрим сурункали хасталиклар авж олади. Хўш, қиш чинакам кумуш фаслга айланиши учун нималар қилиш керак?

Фойдали маслаҳатлар

Совуқ об-ҳаво шароитида киши тез-тез, вақти-вақти билан оғзидан ҳам нафас олади. Бу эса нафас йўллари шамоллашига олиб келади. Совуқ ҳавода кўчада кўп юриш оқибатида бурун битиб, кўзларда ёш ва оғриқ пайдо бўлади. Иссиқ хонага қайтгач, аломатлар йўқолади. Бу совуқ аллергия – совуқ ринит ва совуқ конъюнктивитдир. У бронхоспастик рефлексни келтириб чиқариши, бронхитга, бронхиал астмага сабаб бўлиши эҳтимоли бор.

Бронхит йўтал, кўкрак қафасидаги оғриқ, бронхлар яллиғланиши билан кечади. Унинг ўткир ва сурункали турлари мавжуд. Аввало, ўткир бронхит бошланади. Ўз вақтида шифокорга мурожаат қилмаслик, ўзбошимчалик билан даволаниш ёки муолажани охиригача етказмаслик туфайли у сурункали тус олади ва саломатликка жиддий путур етказади. Хасталикнинг олдини олиш учун чекишни ташлаш, сигарета чекилаётган хонада ўтирмаслик, хона намлиги 30-45 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш, шамоллашларни вақтида даволатиш керак.

ЎРВИ оқибатида келиб чиқадиган нафас йўллари касалликларидан бири зотилжам, яъни пневмониядир. Касалликнинг енгил кўринишида у гўё шамоллаш ва гриппга ўхшайди, бироқ узоқ давом этиши билан фарқланиши мумкин. Жумладан, қуйидаги белгиларга эътиборли бўлиш лозим: нафас олганда ёки йўталганда кўкрак қафасида оғриқ бўлиши, балғамли йўтал, озгина зўриқишда, суҳбатлашиш жараёнида нафас қисиши, чарчоқ, кайфият бузилиши, тана ҳарорати пасайиши, иштаҳа ва жисмоний фаолликнинг сусайиши, чанқоқ, оғиз қуриши кузатилади.

Чақалоқлар ва болаларда инфекция белгилари бўлмаслиги ҳам мумкин. Улар безовталанадилар, хархаша қиладилар. Тана ҳарорати кўтарилиши, йўтал, чарчоқ, нафас олиш ва овқат қабул қилишда муаммолар кузатилади. Улар нафас олиш билан боғлиқ бўлса, кўкрак қафасида оғриқ кузатилса, иситма, йўтал, асосан ҳўл йўталда, албатта, шифокорга мурожаат қилиш керак. Айниқса, хавф гуруҳига кирувчи 65 ёшдан ошганлар, юқоридаги белгилар кузатилган 2 ёшгача бўлган болалар, сурункали ичувчи ва чекувчилар, гиёҳвандлар, сурункали хасталиклари бор кишилар, иммун тизими паст бўлганлар, кимётерапия ёки иммун тизимига таъсир кўрсатувчи бошқа муолажа олганлар, узоқ муддат ётоқ режимида даволанаётганлар бу касалликларнинг биринчи белгилари намоён бўлиши биланоқ шифокор ёрдамидан фойдаланиш зарур. Айрим юрак етишмовчилиги ёки сурункали ўпка касалликлари билан оғриган кексалар учун пневмония ўлим хавфини келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас.

Пневмония ва гриппнинг баъзи турларига қарши вакциналар мавжуд. Аммо кўрсатмалар ўзгариб туриши сабабли эмлашдан олдин, ҳатто аввалроқ пневмонияга қарши вакцина қабул қилган бўлсангиз ҳам, шифокор кўригидан ўтишингиз шарт.

Пневмониянинг олдини олиш учун сурункали хасталикларни ўз вақтида даволатиш керак. Шунингдек, нафас машқларини мунтазам бажаришнинг ҳам нафи катта. Бунинг учун ўнг қўлингизни қорнингизга, чап қўлингизни кўксингизга қўйинг. Нафас олинг ва қорнингизни шиширинг. Қорнингизни секин тортинг ва нафасни секин чиқаринг. Бу машқни дастлабки кунлари бир дақиқа, кейинчалик уч дақиқагача бажариш мақсадга мувофиқдир.

Шифокорлар тавсиялари ва интернет материаллари асосида Муҳаббат ТЎРАБОЕВА тайёрлади

Ҳикмат

Ҳаётнинг қадрига етмаган одам ундан баҳраманд бўлишга ҳам лойиқ эмас.

Леонардо да ВИНЧИ

МУАССИС:

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay‘ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay‘ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas‘ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas‘ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova, D.Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:00
Topshirildi – 22:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma **G-113** Nashr ko‘rsatkichi: **133**

1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31352

14543 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.